



## SCIENTISTS FROM TIRMIDH MENTIONED IN «FASL UL-KHITAB» BY KHOJA MUHAMMAD PORSO

**Masudkhon Makhdievich Ismoilov**

*Associate Professor of the Department of “Islamic Studies and the Study of Islamic Civilization (ICESCO)”*

*International Islamic Academy of Uzbekistan,*

*Candidate of Historical Sciences (PhD in History)*

*Tashkent, Uzbekistan*

**Abboskhon Maksudov**

*First-year Master's Student in the specialty “Islamic Studies”*

*International Islamic Academy of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

---

### ABOUT ARTICLE

---

**Key words:** Khoja Muhammad Porso, "Fasl ul-Khitab", Sufism, Naqshbandiyya, Imam al-Tirmidhi, Hakim al-Tirmidhi, Muhammad ibn Hamid al-Tirmidhi, Mawarannahr school of thought, Aqidah, Hadith, Islamic philosophy.

**Received:** 13.06.26

**Accepted:** 14.06.26

**Published:** 15.06.26

**Abstract:** The article explores the reflection of the scholarly heritage of Tirmidh scientists in the famous work "Fasl ul-Khitab bi-Wusuli-l-Ahbab" by Khoja Muhammad Porso (1349–1420), a prominent theorist and leading figure of the Naqshbandiyya Sufi order. From a source-critical perspective, the study analyzes how the author utilized the works and Hadiths of the great scholars of Tirmidh – Imam al-Tirmidhi, Hakim al-Tirmidhi, and Muhammad ibn Hamid al-Tirmidhi – to resolve complex theological (aqidah) and Sufi issues. Specifically, the paper examines the high esteem given to the personalities of Hakim al-Tirmidhi and Muhammad ibn Hamid al-Tirmidhi in "Fasl ul-Khitab", clarifying the substance of the narrated Hadiths, spiritual insights, and aphorisms attributed to them. The article is of significant academic value for understanding the profound interconnectedness among the scholarly schools of Mawarannahr and the monumental contribution of Central Asian sages to the evolution of Islamic thought.

---

## ХОЖА МУҲАММАД ПОРСОНИНГ «ФАСЛ УЛ-ХИТОБ» АСАРИДА ЗИКР ҚИЛИНГАН ТЕРМИЗЛИК ОЛИМЛАР

**Масъудхон Махдиевич Исмоилов**

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси «Исломишунослик ва ислом  
цивилизациясини ўрганиши ICESCO»  
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди  
Тошкент, Ўзбекистон

**Аббосхон Мақсудов**

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси  
«Исломишунослик» мутахассислиги 1-босқич магистранти  
Email: [Maqsudovabbosxon80@gmail.com](mailto:Maqsudovabbosxon80@gmail.com)  
Тошкент, Ўзбекистон

---

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

---

**Калит сўзлар:** Хожа Муҳаммад Порсо, «Фасл ул-хитоб», тасаввуф, нақшбандия, Имом ат-Термизий, Ҳаким Термизий, Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизий, Мовароуннаҳр илмий мактаби, ақоид, ҳадис, ислом тафаккури.

**Аннотация:** Нақшбандия тариқатининг йирик назарий чисси ва олими Хожа Муҳаммад Порсонинг (1349–1420) ислом оламида кенг шуҳрат қозонган «Фасл ул-хитоб би-вусули-л-аҳбоб» асарида термизлик алломалар илмий меросининг акс этиши масалаларига бағишланган. Тадқиқотда муаллифнинг ақоидий ва тасаввуфий масалаларни ечишда Буюк Термизлик олимлар – Имом ат-Термизий, Ҳаким Термизий ва Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизийларнинг асарлари ҳамда ҳадисларидан қандай фойдалангани манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Хусусан, «Фасл ул-хитоб» асарида Ҳаким Термизий ва Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизийларнинг шахсиятига берилган юқори баҳо, улардан нақл қилинган ҳадислар, тасаввуфий қарашлар ва ҳикматли сўзлар мазмун-моҳияти очиқ берилган. Мақола Мовароуннаҳр илмий мактаблари ўртасидаги узвий алоқаларни ҳамда юртимиздан етишиб чиққан алломаларнинг ислом тафаккури ривожига қўшган улкан ҳиссасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

---

### УЧЕННЫЕ ИЗ ТЕРМИЗА УПОМЯНУТЫЕ В «ФАСЛ УЛ-ХИТАБ» ХОДЖИ МУҲАММАДА ПОРСО

**Мақсудхон Махдиевич Исмоилов***Доцент кафедры «Исламоведение и изучение исламской цивилизации (ICESCO)»**Международная исламская академия Узбекистана,**кандидат исторических наук**Ташкент, Узбекистан***Аббосхон Мақсудов***Магистрант 1-го курса по специальности «Исламоведение»**Международная исламская академия Узбекистана.**E-mail: [Maqsudovabbosxon80@gmail.com](mailto:Maqsudovabbosxon80@gmail.com)**Ташкент, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

<b>Ключевые слова:</b> Мухаммад Порсо, суфизм, накшбандия, Имам ат-Термези, Хаким ат-Термези, Мухаммад ибн Хамид ат-Термези, научная школа Мавераннахра, акаид, хадис, исламская мысль.	<b>Ходжа</b>	<b>Аннотация:</b> Статья посвящена исследованию отражения научного наследия термизских ученых в знаменитом труде «Фасл ул-хитаб би-вусули-л-ахбаб» крупнейшего теоретика и авторитетного ученого тариката накшбандия Ходжи Мухаммада Порсо (1349–1420). С источниковедческой точки зрения анализируется, как автор опирался на труды и хадисы великих мыслителей Термеза – Имама ат-Термези, Хакима ат-Термези и Мухаммада ибн Хамида ат-Термези при разъяснении догматических (акаид) и суфийских вопросов. В частности, раскрывается суть высокой оценки личности Хакима ат-Термези и Мухаммада ибн Хамида ат-Термези в «Фасл ул-хитаб», исследуются переданные от них хадисы, суфийские концепции и мудрые изречения. Статья имеет важное научно-теоретическое значение для изучения преемственности и взаимосвязей между научными школами Мавераннахра, а также вклада отечественных ученых в развитие исламской мысли.
---	--------------	---

**Кириш.** Дунё цивилизация маконларидан бўлмиш Ўзбекистонда туғилиб ўсган олимларнинг жаҳонга машхур асарлари илму фан таракқиётига катта ҳисса бўлиб қўшилган. Жумладан, тасаввуф тарихида ҳам бу юртдан буюк сиймолар етишиб чиққанлар ва улар ислом олами ва умуман, инсониятга улкан бир маънавий меросни тақдим этганлар. Тарикат вакиллари – мутасаввифларнинг ибратли ҳаёти, дин ва дунё, олам ва одам, илм ва

маърифат, ишқ ва муҳаббат ҳақидаги қарашлари, турли илмлар ва мавзуларга бағишланган илмий-адабий асарлари ислом тафаккури тарихида ўзига хос ўрин тутади.

Мазкур ворисийлик занжирининг узвий давоми сифатида, айниқса, Мовароуннаҳр заминида вужудга келган илмий мактаблар ва маҳаллий анъаналар ўртасидаги мафкуравий алоқадорликни ўрганиш замонавий исломшунослик ва манбашунослик илмининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу контекстда, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошларида Нақшбандия таълимотининг концептуал асосларини шакллантирган ва унга фундаментал назарий мақом берган улуғ мутафаккир Хожа Муҳаммад Порсонинг илмий мероси алоҳида аҳамият касб этади. Олимнинг ислом динидаги мураккаб ақоидий ва тасаввуфий масалаларни ечишга бағишланган «Фасл ул-хитоб би-вусули-л-аҳбоб» асари нафақат нақшбандия тариқатининг, балки умуммусулмон тафаккурининг нодир дурдоналаридан биридир.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Муҳаммад Порсо ушбу асарида диний-фалсафий муаммоларни таҳлил қилиш ва уларга ечим топиш жараёнида ўз давридан бир неча аср аввал гуллаб-яшнаган Термиз илмий мактаби вакилларининг асарларига, уларнинг ҳадисшунослик ва суфийлик психологиясига оид қарашларига жуда кенг мурожаат қилган. Имом ат-Термизий, Ҳаким Термизий ва Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизий каби буюк сиймоларнинг илмий мероси «Фасл ул-хитоб» асарининг методологик асосини бойитишга хизмат қилган. Бу эса, Бухоро ва Термиз илмий-маънавий муҳити ўртасидаги асрлар давомида узилиб қолмаган ғоявий изчилликни ва Мовароуннаҳр алломалари меросининг яхлит бир тизим сифатида шаклланишини кўрсатувчи муҳим омилдир. Шу нуқтаи назардан, мазкур мақолада «Фасл ул-хитоб» асарида термизлик олимларнинг тутган ўрни ва уларнинг келтирилган иқтибослари тарихий-манбашунослик жиҳатдан таҳлилга тортилади.

**Асосий қисм.** Тасаввуф таълимотининг XIV аср охиридаги назариётчиларидан бири, Хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Муҳаммад Порсо номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофизий ал-Бухорий (1349–1420) ҳам ана шундай улуғ сиймолардан биридир.

Хожа Муҳаммад Порсо Бухорода туғилган, мадрасаларда ўқиб, Қуръон, ҳадис, калом каби турли диний илмларни чуқур ўрганиб, замонасининг забардаст кишилардан бири бўлиб етишган ва Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда назариячиси сифатида машҳур бўлди. Муршидлик мартабасига

етган Хожа Муҳаммад Порсо тафсир, ҳадис, тасаввуф, тарих, фикҳ каби соҳаларда ҳам моҳир олим бўлиб, йигирмадан ортиқ асарлар ёзган [1:85].

Порсонинг шариат ва тариқат масалаларига бағишланган ва унга катта шуҳрат келтирган асари «Фасл ул-хитоб би-вусули-л-аҳбоб» («Дўстлар висолига еташда оқ ила қорани ажратувчи китоб») номли асаридир. Асарлар бўйи ислом уламолари учун қўлланма вазифасини ўтаб келган «Фасл ул-хитоб» муаллифнинг асосий асарларидан биридир. Асар исломда баҳсли ҳисобланган ақоидий масалаларга бағишланган бўлиб, Порсо бу масалаларни турли асарларга суянган ҳолда ечиб берган. Масалаларни таҳлил қилишда муаллиф Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Ғаззолий, Юсуф Ҳамадоний, Абу Толиб Маккий каби қатор уламоларнинг асарларидан фойдаланган. Улар орасида термизлик алломаларнинг асарлари ҳам ўрин олган.

Жумладан, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизий каби термизлик алломаларнинг илмий меросидан ҳам фойдаланган.

Имом ат-Термизий раҳимаҳуллоҳнинг ота-боболари ва ёшлик йиллари тўғрисида маълумотлар кам, манбаларда ота-боболари асли Марвдан бўлиб, Термизга кўчиб ўтишган, деб қайд қилинади. Имом ат-Термизий раҳимаҳуллоҳ: «Менинг бобом марвлик бўлиб, Лайс ибн Сайёр даврида Термизга кўчиб ўтганлар», деган эканлар [2:7].

Имом ат-Термизий раҳимаҳуллоҳ 209 ҳижрий санада таваллуд топганлар. Бу мелодий 824 йилга тўғри келади. Баъзи ривоятларда 200/815 йили ҳам дейилган. Вафотлари эса, 279 ҳижрий сана 13 ражабда бўлган. Бу мелодий 892 йили 9 октябрга тўғри келади.

Ислом оламининг буюк муҳаддисларидан бўлмиш Имом Термизийнинг асарларидан Хожа Муҳаммад Порсонинг унумли фойдаланиши табиий бир ҳол албатта.

«Фасл ул-хитоб»да Абу Исо Имом Термизий ривоят қилган ҳадислардан ташқари термизлик яна бир аллома Ҳаким Термизийдан ҳам (рахматуллоҳи алайҳ) ҳадислар ривоят қилинган. Ҳаким Термизий раҳматуллоҳи алайҳ диёримиздан етишиб чиққан буюк олим ва авлиёлар сирасидандир. У зотнинг исмлари Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бишр бўлиб, куниялари Абу Абдуллоҳдир. Эл орасида Ҳаким лақаби билан танилганлар. Термиз шаҳрида таваллуд топганлар. Таваллуд топган саналари маълум эмас. Ҳижрий 320 – мелодий 932 йили вафот этганлар.

Хожа Муҳаммад Порсо «Фасл ул-хитоб»нинг ҳазрат Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг фазли борасида сўз борган қисмида Ҳаким Термизийдан қуйидагиларни нақл қилган [3:437]:

إني وسلم عليه الله صلى قوله في الله رحمه الترمذى الحكيم على ابن محمد الله عبد ابو الولي العارف الامام الشيخ قال الترمذى عيسى ابو الامام اخرجهم عنهما الله رضى وعمر بكر ابي (الى اشار و) بعدي من بالذنين فاقتدوا فيكم بقائي ما أدري لا صارت و جل و عز الله الى وصلت قد قلوبهم لان الخلق طاعتهم لزمتم قد حالهما بمثل من و عنهما الله رضى فهما الله رحمه يحكمون فبالعدل الحق بذالك حكموا اذا و ينطقون فبالحق نطقوا فاذا القبضة من الثبات لهم و القبضة في

“Шайх Имом Ориф Валий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳақим Термизий раҳимахуллоҳ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган “Мен орангизда қанча қолишимни билмайман, бас мендан кейингиларга эргашинг” дея Абу Бакр ва Умарга (Аллоҳ иккисидан рози бўлсин) ишора қилдилар” ҳадиси шариф борасида фикр билдирдилар. Бу ҳадисни Имом Абу Исо ат-Термизий раҳимахуллоҳ нақл қилган”.

“Улар (Аллоҳ иккисидан рози бўлсин) ва уларнинг ҳолатида бўлган (бошлиқ) кишиларга халқнинг итоат қилмоғи лозимдир. Зеро, уларнинг қалблари Аллоҳ аzza ва жаллага восил бўлиб (Унинг) тасарруфига ўтиб бўлгандир. Улар мазкур тасарруфда мустаҳкамдирлар. Шунинг учун қачон гапирсалар ҳақни айтадилар ва ана шу ҳақ ила ҳар қачон ҳукм қилсалар адолатли ҳукм қиладилар”.

Муҳаммад Порсо «Фасл ул-хитоб»нинг жуда кўп ўрнида Ҳақим Термизийни шайх, имом, ориф, валий нисбалари билан улуғлайди.

«Фасл ул-хитоб»да яна бир термизлик аллома Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Холид ат-Термизий ҳазратларининг сўзларидан мисоллар келтирилган. Бу зот ҳижрий III асрда аҳли сунна вал-жамоатнинг улуғ олимларидан ва сунний тасаввуфнинг йирик вакиллари билан бир бўлган. У киши ҳақида Абу Абдуллоҳ раҳмон ас-Сулламий бундай ёзган: “У Хуросон машойихининг атоқли вакиллари билан, пок хулқли ва гўзал сиёсат соҳиби эди”. Аҳмад ибн Ҳазравайҳнинг шоғирди бўлган. Унинг таваллуд санасини тахминан 830—840 йиллар оралиғидан излаган мақбул [4:206].

Хожа Муҳаммад Порсо «Фасл ул-хитоб»нинг тасаввуф тарихи, истилоҳлари ҳақида сўз кетган бошланиш қисмида Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизий ҳақида қуйидагиларни қайд этган [3:72]:

“Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизий — Аллоҳ уни раҳмат қилсин — “ат-Табақот” китобида учинчи табақадан деб зикр қилинган. У Балхнинг илк машойихларини, жумладан, Аҳмад ибн Ҳазравайҳ ва ундан кейингиларни кўрган, — Аллоҳ уларни раҳмат қилсин”.

Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизий ҳақида қисқача таъриф берганидан кейин Хожа Муҳаммад Порсо унинг айрим ҳикматли сўзларини ҳам нақл қилган. Масалан: “Банда ҳар доим жинойят қилишга мубталодир. Банданинг тоатларида қилган жинойтлари гуноҳларида қилган жинойтидан кўпроқдир. Чунки, гуноҳнинг жинойти биргина жиҳатдан бўлса,

тоатдаги жиноятлар эса бир неча сабабдан бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу Қиёмат кунида банданинг юклари енгил бўлиши учун унинг жиноятларини турли мусибатлар орқали поклаб боради. Банда ўзининг гуноҳу маъсиятлари кўплигини билгани учун ва Парвардигорининг — аzza ва жалла — чексиз лутфу карамини кўргани учун, авфу мағфиратини туйгани учун унинг қайғуси ва хижолати ортаверади”.

Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизий ҳақида маълумотлар кам. Айрим манбаларда у айтган хикматлардан айримлари келтирилган. Чунончи: “Авлиёларни менсимаслик Аллоҳ таолони яхши танимасликдандир”, “Машойихларнинг ишлари ва одобларидан рози бўлмаган кишини бирор китоб, ҳеч бир суннат тарбияла олмайди”, “Ҳар қачон қайси бир мусулмонни паст кўрсам, албатта иймонимда ва маърифатимда нуқсон топдим”, деганларини мисол тарзида келтириб ўтиш мумкин.

Нақшбандия тариқати назариётчиси Хожа Муҳаммад Порсонинг қаламига мансуб асарларни ўрганар эканмиз Хожагон-нақшбандия таълимоти ўзининг салкам 900 йиллик тарихи давомида ислом олами ва умуман, инсониятга улкан бир маънавий меросни тақдим этган алломаларимизнинг ибратли ҳаёти, дин ва дунё, олам ва одам, илм ва маърифат, ишқ ва муҳаббат ҳақидаги қарашлари, турли илмлар ва мавзуларга бағишланган илмий-адабий асарлари борасида, уман олганда, ислом тафаккури тарихи ҳақида қимматли маълумотларга эга бўламиз.

**Хулоса.** Хўжагон-нақшбандия тариқатининг йирик назариётчиси ва олими Хожа Муҳаммад Порсонинг «Фасл ул-хитоб би-вусули-л-аҳбоб» асарида термизлик уламолар меросининг қўлланилиши юзасидан олиб борилган тадқиқотлар бир қанча муҳим илмий хулосаларни шакллантиришга имкон беради. Биринчидан, XIV–XV асрларда Мовароуннаҳр суфийлик тафаккури тизимида янги босқични бошлаб берган нақшбандия таълимоти ўзидан олдинги маҳаллий илмий марказлар, хусусан, IX–XI асрларда шаклланган Термиз ҳадис ва тасаввуф мактаби анъаналарининг қонуний ва изчил давоми бўлиб хизмат қилган. Иккинчидан, Хожа Муҳаммад Порсо ислом оламидаги мураккаб ақоидий ва мафкуравий баҳсларни бартараф этишда Имом Абу Исо ат-Термизийнинг ҳадисшунослик маҳоратидан методологик асос сифатида унумли фойдаланган бўлса, Ҳаким Термизийнинг дунёқараши ва концепцияларини суфийлик фалсафасининг маънавий-назарий пойдевори сифатида қабул қилган. Унинг Ҳаким Термизийни олий диний унвонлар билан улуғлаши мазкур ворисийлик мақомини янада мустаҳкамлайди. Учинчидан, асарда манбаларда маълумотлари жуда кам учрайдиган Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизийнинг нафс назорати, тоат ва гуноҳ психологиясига оид нодир

хикматларининг келтирилиши «Фасл ул-хитоб» асарининг нафақат ақоидий қўлланма, балки тасаввуф тарихи бўйича қимматли бирламчи манба эканлигини белгилайди. Тўртинчидан, мазкур икки йирик манба ва йўналиш вакиллари меросини қиёсий ўрганиш Бухоро ва Термиз илмий муҳити ўртасидаги асрлар давомида узилиб қолмаган ғоявий алоқадорликни ҳамда минтақамиз алломалари меросининг яхлит бир тизим сифатида мавжуд бўлганлигини исботлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот ан айн ал-ҳаёт. — Тошкент, 2003. — Б. 85.
2. Али ал-қори. “Жамъ ал-васоил”. 1-жилд. — Миср: Шарқия, 1900. — Б. 7.
3. Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ул-хитоб. — Тошкент: Ғулом Ҳасан Орифжонов нашриёти. (санасиз) — Б. 437.
4. С. Турсунов, Б. Муртазов. Термизийларнинг илмий тафаккури. Тошкент: O'zbekiston, 2016. — Б.206.